

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Т.Бакиров**

Комплекс сонлар: мактаб ва олий ўкув юртида ..... 6

## КИМЁ

**Ф.Умурев, М.Амонова, М.Амонов**

Флокулянт ва адсорбентлар ёрдамида оқова сувларни тозалаш жараёнини ўрганиш ..... 13

**С.Хушвактов, М.Жураев, Д.Бекчанов, М. Мухамедиев**

Поливинилхlorид асосидаги азот ва олтингугарт тутган поликомплексонга кобальт (II) ва хром (III) ионларининг сорбцияси..... 19

**А.М.Хурмаматов, О.Т.Маллабаев, О.К.Ергашев**

Нефтни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиладиган техник сувнинг қаттиқлигини пасайтириш ва юмшатиш бўйича тадқиқот натижалари ..... 27

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**О.И.Абдуғаниев, Б.А.Үринова**

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими ва барқарор ривожлантириш стратегияси..... 34

## Ижтимоий-гуманитар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

**А.Абдуллаев, К.Курпаяниди**

Рақамли иқтисодиётда бизнес юритиш хусусиятлари ..... 39

**С. Исмоилова**

Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўл-йўриқлари ..... 44

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**М.Тошбекова**

Глобаллашув шароитида мафкуравий тўқнашув ва унинг оқибатлари ..... 50

**А. Юлдашев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқарув академиясининг фаолиятини ривожлантириш хусусида ..... 57

**Д.Тошалиев**

Рост мақомидан сарахбори рост шульбасининг таҳлилий масаласига доир ..... 63

## ТАРИХ

**М.Х. Исамиддинов, З.О. Рахманов**

Саразм ва Фарғона: ўзаро таъсир ва алоқалар ..... 68

**Х.Эшов**

Маънавий таҳдидларга қарши кураш тушунчасининг генезиси ва эволюцияси ..... 75

**Р.Арслонзода, Х.Мамуров**

Совет ҳокимияти оппонентларининг эсдаликлари тарихий манба (Ўзбекистон материаллари) асосида ..... 82

**У.Халмуминов**

“Насабнома”ларда илк ўрта асрлар Фарғона тарихининг акс этиши ..... 86

**Н.Ҳамаев**

Мухториятнинг тугатилиши ва истиқполчилик ҳаракатининг бошланиши жадид матбуоти кўзгусида ..... 91

**D.Ismoilova, M.Khaitova**

XIX охири - XX аср бошларида Ислом динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролининг тарихшунослиги ва манбашунослиги ..... 97

ТАРИХ

УДК: 93/99+002.5

**МУХТОРИЯТНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ  
БОШЛАНИШИ ЖАДИД МАТБУОТИ КЎЗГУСИДА**

**ЛИКВИДАЦИЯ АВТОНОМИИ И НАЧАЛО ДВИЖЕНИЯ ЗА НЕЗАВИСИМОСТЬ В  
ЗЕРКАЛЕ ДЖАДИДСКОЙ ПРЕССЫ**

**THE END OF THE AUTONOMY AND THE BEGINNING OF THE INDEPENDENCE  
MOVEMENT IN THE MIRROR OF THE JADID PRESS**

Н.Ҳамаев<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Н.Ҳамаев

ФарДУ, катта ўқитувчи.

**Аннотация**

Туркистан Мухторияти тарихи, унинг тугатилиши ва совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг бошланиши Ўзбекистон тарихидаги энг қизиқ ва долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Мақолада айни шу мавзунинг ўша давр жадид матбуотида қандай акс этганилиги таҳлил этилади. Муаллиф миллий матбуот Туркистан Мухторияти ва истиқлолчилик ҳаракати тарихининг қайси жиҳатларини баттағасил ёритгани ҳамда унинг эътиборидан четда қолган масалаларга оид илмий фикрларини баён қиласди.

**Аннотация**

История Туркестанской Автономии, ее ликвидация и начало вооруженного движения против советской власти являются одними из интересных и актуальных тем истории Узбекистана. В данной статье анализируется освещение этой темы в периодической печати того времени. Автор излагает собственные мнения о тех аспектах истории Туркестанской Автономии и вооруженного движения против советской власти, которые подробно освещены национальной печатью, а также о вопросах, оставшихся вне поля ее зрения.

**Annotation**

*The history of Turkestan Autonomy, its liquidation and the beginning of the armed movement against the Soviet regime are some of the interesting and relevant topics in the history of Uzbekistan. This article analyzes the matter in the periodical press of that time. The author expresses his opinion on those aspects of the history of the Autonomy of Turkestan and the armed movement against the Soviet regime that are well covered, as well as those that remain outside the point of view of the national press.*

**Таянч сўз ва иборалар:** даврий матбуот, Туркистан Мухторияти, совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат, «Улуг Туркистан», «Хуррият», «Эл байроғи», «Щит народа», сулҳ музокаралари, Фарғона.

**Ключевые слова и выражения:** периодическая печать, Туркестанская Автономия, вооруженное движение против советской власти, «Улуг Туркистан», «Хуррият», «Эл байроғи», «Щит народа», переговоры о перемирии, Фергана.

**Keywords and expressions:** periodical press, Turkestan Autonomy, armed movement against soviet regime, «Ulug Turkestan», «Hurriyat», «El bayrogi», «Shchit naroda», truce talks, Ferghana.

Туркистанда 1918–1934 йилларда бўлиб ўтган совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш тарихи маълум даражада ўша даврдаги миллий матбуот, яъни жадид газеталари саҳифаларида ўз аксини топган. Бу ҳаракатнинг бошланиш нуқтаси Туркистан Мухториятининг бостирилиши жараёнида қизил аскарлар ва дашноқлар томонидан Фарғона ахлига нисбатан содир этилган зўравонлиқдир.

Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг бошланиши масаласида миллий матбуот айнан шу ҳодисага асосий ургу беради. Ўз саҳифаларида бу мавзуга энг кўп жой ажратган жадид газетаси «Улуг

Туркистан» рўзномасидир. Газета саҳифаларида Туркистан Мухториятини тузиш учун қилинган саъй-ҳаракатлар, Мухториятнинг эълон қилиниши ва фаолияти ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилинган [17; 28; 29; 30; 31; 32; 33; 39]. Шунингдек, ушбу масалани «Хуррият» [11; 3; 14; 27], «Эл байроғи» [16; 18; 19; 24; 34], «Кенгаш» [26; 40; 41], «Знамя свободы» [13; 20; 25; 42], «Свободный Туркестан» [4; 7; 8; 35; 43] сингари миллий газеталарда муентазам ёритиб борилган. Айни вақтда «Совети ислом», «Турон», «Турк сўзи» газеталарида ҳам Мухторият фаолияти билан боғлиқ материаллар берилган [6. 47-61]. Бироқ, бу

газеталар жуда оз тиражда, қисқа муддат давомида чоп этилғанлыги ва тез орада совет ҳокимияти томонидан ёпиб күйилғанлыги боис, уларнинг нусхалари бизнинг кунимизгача етиб келмади.

Октябрь тўнтариши Россия ва унинг мустамлакаларидағи сиёсий ва ижтимоий ҳаётни янги ўзанга буриб юборди. Туркистонда миллий етакчилар ўлканинг мустақил бошқарувига эришиш учун матбуот орқали кенг кўламдаги тарғиботни бошлаб юбордилар. Аммо большевиклар ўз ҳукмронлигининг илк кунларидан ҳар қандай миллий кучларни йўқ қилиш йўлидан боришиди. Улар фаолият бошлаган Мухторият ҳукуматини тугатиш ва унинг аъзоларини ҳибсга олишни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйдилар. 1918 йил 18-25 январда бўлиб ўтган Туркистон ўлка советларининг IV съезди бу ҳақда тегишли қарор қабул қилди [23].

1918 йил январь ойи охири – февраль ойининг бошларида Совет ҳокимиятининг босими туфайли аксарият Мухторият тарафдорларининг кайфияти радикаллашди: улар Кўкон шаҳар совети билан тинч музокара олиб борищдан воз кечиб, унга қарши қуролли кураш йўлига ўтдилар [2. 146]. Қуролли тўқнашувлар 1918 йилнинг 29 январдан 30 январга ўтар кечаси бошланиб, Кўкон шаҳридаги совет аскарлари билан Мухторият қўшинлари ўртасида бўлиб ўтди. Ушбу тўқнашув Туркистон Мухториятини тугатишга қаратилган ҳарбий ҳаракатларни бошлаб берди [48].

Матбуотда Туркистон Мухториятининг фожиали тугатилиши тўғрисидаги маълумотлар юкоридаги тўқнашувлардан бир неча кун ўтиб берила бошланади. Бу воқеага биринчилардан бўлиб ўз эътиборини қаратган миллий газета – “Улуғ Туркистон” бўлди. Бироқ, газетанинг 1918 йил январь-май ойлари тахламини ўрганиш натижасида Мухториятнинг фожиали тақдири мавзуси унинг саҳифаларида фақат февраль ойининг охиридан ёритила бошланган, деган хуносага келдик. Бунга сабаб нима, деган саволга жавобни газетанинг ўзидан топиш мумкин. “Улуғ Туркистон” саҳифаларида бу борада қуидагиларни ўқиймиз: “Туркистон Мухториятининг миллат мажлиси ила муваққат ҳукумати ўтурғон Ҳўққандда 30 январь ила 10 феврал орасинда қизил ғвардия ила мусулмонлар орасинда ғоят

қаттиғ ва қонли урушлар бўлди. Нихоясинда қизил ғвардия тўп, пулемўт ва тўғанг ила Мухторият тарафдори мусулмонларни торумор келтуруб шаҳарни ўз қулиға олди. Сиёсий ҳаво ғоят бузук бўлғонлиқдан бу воқеани ўз вақтнда тегишинча ёзарға мумкин бўлмади. Ул вақтда Туркистон темир йўллари тамомила уруш ҳолатинда эълон қилинғонлиқдан мухбир юборарга мумкин тугал эди (имконсиз эди – Н.Х.). Уруш тамом бўлиб, аҳвол бир қадар етишуви ила идора тарафиндан Ҳўқандга маҳсус киши йиборилди. Шунинг узрина бу воқеаларнинг ҳисоби бугун очиқ бўлмаса-да, “Наша газета”, “Туркестанский искра”, “Новый Туркестан”, “Шит народу” (“Щит народа” – Н.Х.) газеталаринда ҳам ёзулуб чиқди” [47].

Ушбу парчадан маълум бўладики, Туркистон Мухториятининг қонли қисмати биринчи бўлиб жадид газеталарида эмас, балки большевиклар матбуотида ёритилган. Жумладан, “Щит народа” газетасининг 32-сонида Туркистон Мухториятининг фожиали тақдири ўз аксини топган “Текущие события” ва “События в Коканде”, 35-, 37-, 41- ҳамда 42-сонларида “Кокандские события”, 43-сонида эса “Кокандские впечатления” номли туркум мақолалар эълон қилинган. Мақолаларнинг дастлабкиси “Текущие события” бўлиб, унда шаҳар ишчи, дехқон ва солдат Совети, ҳалқ милицияси, “Шўрои уламо” ва “Шўрои исломия” ташкилотлари вакилларидан тузилган 11 кишидан иборат тинчлик делегациясининг фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Мазкур музокаралар ҳандай кечганлиги жадид матбуотида ҳам ўз аксини топган. “Улуғ Туркистон” газетасининг ёзишича, Шаҳар совети вакиллари билан сулҳ музокаралари З февралда бошланган. Иккала томон вакиллари Рус-Осие банки биносида мажлис қилдилар, бироқ сулҳ борасида ягона бир қарорга кела олмадилар. Больевиклар етказилган зарарни қоплаш учун кўп миллионли контрибуция талаб қилишса, Мухторият вакиллари қалъани уларга тўлиқ берилишини, ёки у ердаги ҳарбийларни қуролсизлантиришни талаб қилганлар [49].

Гарчи музокаралар амалий натижага бермаган бўлса ҳам, Кўконда вазият бирмунча юмшади. Бундан фойдаланган мусулмон қўшинлари қалъага яқин бориб, уни бутунлай қўлга киритиш [49] учун

## ТАРИХ

ҳаракат бошладилар. Қалъа ҳимоячилариға мусулмон қүшинлари қўмондони Чанишев номидан хат юборилиб, соат 16<sup>00</sup> га қадар қалъа уларга топширилмаса, шаҳарнинг тинч яхудий ва арман аҳолиси хавфсизлигига кафолат йўқлиги маълум қилинди. Бунга жавобан қизил аскарлар, сўнгги томчи қонлари қолгунча қалъани ҳимоя қилишлари, уни ҳеч қачон маҳаллий аҳолига бериб қўймасликларини айтиб, ҳужум қилишга шайланган мусулмонларга қаратса бир неча марта ўқ уздилар [9].

6-7 февраль кунлари ҳам музокаралар давом этган бўлса-да, тинчлик шартномаси имзоланмади. Совет газеталари ўз саҳифаларида 6 февралда узук-юлук отишмалар юз берганлиги, аммо 7 феврал куни ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатлар рўй бермаганлиги ҳақида хабар чоп этдилар [10]. Аслида 6 дан 7 февралга ўтар кечаси Кўқон ўт ичидаги қолған эди. Икки ўртада бўлиб ўтган жанг жадаллар оқибатида Воскресенский, Комитетский, Хўжанд кўчалари ва эски шаҳарнинг бозорга туаш қисми тўлалигича ёниб кул бўлди [50].

Совет матбуоти ёзганидек, “ҳеч қандай ўқ отилмаган” 7 февраль аслида Кўқон шаҳри тарихига энг даҳшатли кун бўлиб кирди. Ўша куни қизил аскарлар эски шаҳарни таладилар ва Мухторият тарафдорлари билан бирга тинч аҳолини ҳам қирдилар. Айниқса, “Дашноқцутюн” – арман миллатчиларининг қуролли дасталари жуда “фаол” бўлдилар [50]. Эски шаҳардаги магазинлар, дўконлар, фирмалар, банклар, кутубхоналар, савдо расталари, кўзга яхшироқ кўринган ўйлар – деярли барча бинолар таланди [46]. Талончилар ортирган нарсаларни араваларга юклаб, вокзалга олиб бордилар. Ҳатто от-аравалар етишмаганлиги боис шаҳар атрофидаги қишлоқларга бориб, у ердаги одамларни от-араваси билан мажбуран ҳайдаб келиб, уларга шаҳар аҳолисидан тортиб олинган мол-мулкларни вокзалга ташиттирдилар. Бу талончиликка Туркистон ўлкаси Ҳалқ Комиссарлари Совети қонуний тус бериб, Мухторият раҳбарларини қонундан ташқари ва уларнинг мол-мулкини мусодара қилинган, деб эълон қилди [21, 69; 5].

Музокаралар 8 февралгача давом этган бўлса ҳам, улар ҳеч қандай натижа бермади. Кўқонда уруш ва қирғинбарат юз берди. Шундай бўлиши табиий эди, чунки совет

ҳокимияти аввалбошдан Туркистон Мухториятини тан олмади. Қолаверса, Кўқон шаҳар Совети пленумининг 1918 йил 9 январдаги ийғилишида Мухторият ихтиёридаги ҳарбий отрядларни қуролсизлантириш ҳамда тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган эди [Бу ҳақда батафсил қаранг: 2]. Демак, шаҳар кенгаши томонидан тинчлик делегациясининг тузилиши ва Мухтор ҳукумат билан музокара олиб бориш, аслида, Кўқондаги кам сонли қизил аскарлар сафини Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Скобелевдан келган отрядлар ҳисобига тўлдириш, уларни қўшимча қуроляроғ, ўқ-дори ҳамда дори-дармон билан таъминлаш мақсадида вақтдан ютиш учун ўйлаб топилган тадбир эди, холос.

Матбуот материалларида ҳам юқоридаги фикримизга ҳамоҳанг маълумотлар мавжуд. Масалан, “30 январда эрта бирла крепўстдан бир неча ядросиз тўп отулуб, собор черковиндаги қофру (черков қўнғироғи – Н.Х.) қофилғон. Ушбу сиғнал бўйунча Ҳўқандда турувчи қизил ғвардиялачилар ила запасний солдатлар крепўстға жўнай бошлиғонлар. Уларга қурол ва патрўнлар тарқатилғон. Булардан ташқари крепўстқа арманилар келуб, оларға ҳам кўб қурол тарқатилғон” [48], – дейилади “Улуғ Туркистон” газетасида.

Туркистон Мухториятининг тугатилиш жараёнида қўплаб тинч маҳаллий аҳоли қурбон бўлди. Мухториятга қарши ҳужум бошлангандан кейин унга алоқаси борлиқда гумон қилинган шахслар қамоққа олиниб, шаҳар қалъасига жўнатилди [2. 149]. Ҳужумнинг дастлабки кунларидаёқ Мухториятга “алоқаси бор”, “уни қўплаб-куватлаган”, “унга ёрдам берган” деб гумон қилиниб, қамоққа олинган ва Тошкент турмасига жўнатилган одамлар 14 вагонни ташкил этган [1; 45]. Жабрланганлар орасида маҳаллий аҳоли – сартлардан ташқари қошғарлик савдогарлар, татарлар, форсийзабонлар (газеталарда улар пирсиёнлар деб келтирилган – Н.Х.), яхудийлар, руслар ҳам бор эди.

Юқорида келтирилган фактлар большевиклар ҳокимиятга келган вақтданоқ Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатини янгича кўринишда давом эттирганлигини кўрсатади. Улар ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ўта адолатсиз сиёsat юритиб, босқинчилик ва

талончиликни бошлаб юбордилар. Бу эса маҳаллий аҳоли аҳволининг янада оғирлашишига ва унинг совет ҳокимиютидан норозилигининг кучайишига олиб келди. Натижада большевикларнинг мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсатига қарши қуролли кураш бошланиб кетди. Жадидлар юрт мустақиллиги ғоясини тарғиб этувчи, ҳурриятга даъват этувчи мақола ва шеърлари билан бу жараёнда фаол иштирок этдилар [12, 117-118].

Туркистон Мухториятининг фожиаси халқнинг шундоқ ҳам тўлиб турган сабр косасига охириги томчи бўлди ва совет ҳокимиютига қарши қуролли ҳаракатнинг бошланишига олиб келди. Бу ҳаракатнинг бошланиш нуқтаси ҳам жадид матбуотида маълум дараҷада ёритилган. Шуни ҳам қайд этиш керакки, 1918 йилнинг бошида ёк большевиклар бутун Туркистонда ҳокимиётни қўлга олиб, матбуот устидан назорат ўрнатдилар. Жадидлар ташкил этган газета ва журналлар бирин-кетин ёпилиб, уларнинг нашриёт ва матбаалари советлар ихтиёрига ўтди. Бироқ, бир неча миллий матбуот нашрлари 1918 йилнинг охирига қадар мавжуд бўлган ва ўз саҳифаларида истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши тўғрисида, унга етакчилик қилган шахслар ҳақида мақолалар эълон қилиб борган.

Жадид газеталари орасида нисбатан узоқроқ фаолият олиб борган нашр “Улуғ Туркистон” бўлди. “Эл байроғи” рўзномаси каби, бу газета ҳам Туркистон озодлигининг жарчиси бўлди. Унинг таҳририяти большевиклар ҳокимиютига нисбатан муросасиз муносабатда бўлди ва фаолиятининг охирига қадар у билан маънан курашди. Аммо ўлкада советлар ҳокимиёти мустаҳкамланиб бориши билан “Улуғ Туркистон” ҳам уларнинг қўлига ўтди. “Иштирокион” газетаси нашр этила бошлангандан сўнг, “Улуғ Туркистон” Туркистон ички ишлар халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтди, лекин ҳеч қанча ўтмай ўз фаолиятини бутунлай тўхтатди [6, 54-55].

“Улуғ Туркистон” газетаси 1918 йил март ойининг охирларидан бошлаб Кўқонда ҳаёт қайтадан тикланаётганлигини [37], Мухторият билан алоқадорликда гумон қилиниб қамоқقا олинганларга умумий авф эълон этилганлиги [38] ҳақида хабар берсада, миллий давлатчилик учун курашнинг

ҳали тугамаганлиги, аксинча, қайтадан ҳақиқий қуролли курашга айлана бошланаётганлигига ишора берувчи материалларни ҳам эълон қилиб борди. Шундай материаллардан бирида Мухторият ҳукумати Советлар билан тўқнашув муқаррарлигини билса ҳам урушга тайёргарлик кўрмаганлиги таъкидланади. Бундан ташқари, ўша вақтда Кўқонда бўлган муҳтор ҳукумат аъзолари ҳужум бошланиши билан шаҳарни тарк этганликлари, большевиклар билан асосан миллий армия сафига янги кирган ёшлар ва Мухторият билан ҳамфир бўлган кишилар жанг қилаётгани ҳамда уларга Эргаш кўрбоши бошчилик қилганлиги қайд этилади [47].

Газетада келтирилган материалларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Перфильев бошчилигидаги қизил аскарлар Кўқонда уларнинг олдига қўйилган “миссия”ни бажарган бўлсалар-да (яъни, Мухторият бостирилгандан кейин), маҳаллий аҳолини талаш ва хўрлашни давом эттиравердилар. Водийнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолисида пул ҳам, ғалла ҳам, қўй ва мол ҳам қолмади. Илгари қози ёки мингбоши бўлиб ишлаган кишиларнинг пуллари тортиб олинди. Фарғонада ҳар бир қизил аскар ўзига хон, кўланкаси майдон бўлиб қолди. Улар нима хоҳлашса, шу ишни қилар эдилар [12, 116].

“Улуғ Туркистон” газетасида совет ҳокимиютига қарши қуролли курашга бағишлиланган дастлабки мақола “Фарғонада Эргаш ҳаракати” деб номланади. Мазкур мақолада 30 июнда совет аскарлари билан Эргаш дасталари ўртасида Кўқондан 18 чақирим шарқда жанглар бошланганлиги ҳақида хабар берилади. Жанглар 1 июль куни ҳам давом этган. 500 нафаргача отлиқ қизил аскарлар тўп ва пулемётлар билан қуролланиб, Бачқир томонга қараб ҳаракатланадилар [22]. Ўша куни икки ўртада жанг бўлиб ўтди. Мақола мазмунидан бу жангда Эргаш кўрбошининг қўли баланд келмаган, деган холосага келинади. Чунки мақола муаллифи ўз фикрини баён этиб, арманилар Кўқон бозорига келаётган суворийлар отларини тортиб олаётгани, мусулмон аёлларга нисбатан номаъқул ҳаракатлар қилаётгани, уларнинг хатти-ҳаракатларини кўрган инсон улар бу ерда ҳокими мутлақ ёки Фарғона арман миллатининг ҳокимиютига қарашли экан, деб ўйлашини ёзади. Кўқон шаҳар ижроқўмининг

## ТАРИХ

раиси ҳам арман миллатига мансублиги, мусулмон меҳнаткашлар иттифоқида эса ҳеч қандай ҳуқуқ йўқлиги, бу шахсга қарши бирон-бир чора кўришга имкон йўқлигидан куюнади.

Мақола Фарғонада совет ҳокимиятига қарши истиқлолчилик ҳаракати бошланганлигидан далолат берса-да, унда айrim баҳсли ҳолатлар кўзга ташланади. Жумладан, Эргаш кўрбошининг номи тилга олинганда, муаллиф уни “машҳур қароқчи” деб атайди. Бу, бизнингча, мақола муаллифи ва газетанинг сиёсий позицияси билан боғлиқдир. Тъкидлаш лозимки, 1918 йилнинг июнидан эътиборан Туркистон АССРда нашр этилган барча газеталар советлар ихтиёрига ўтди. Демак, “Улуғ Туркистон”, гарчи олдин миллий матбуот органи бўлса-да, бу вақтга келиб совет ҳокимияти нуқтаи назарини ифода этган.

Мақоладаги “қароқчи Эргаш” ҳақидаги фикрлар Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тарихидан яхши хабардор бўлмаган ўқувчиларни чалғитиши мумкин. Негаки, бу вақтга келиб истиқлолчиларга раҳбарлик Катта Эргаш қўлига ўтганлигини ҳамма ҳам билавермайди. Шу ўринда бу икки Эргашлар ҳақидаги архив ҳужжатлари ва адабиётларда келтирилган айrim маълумотларга тўхталишни лозим топдик. Уларда келтирилишича, ўлкада илк бора истиқпол учун курашни бошлаган шахс Кичик Эргаш эди. У 1918 йилнинг 19-21 февраль кунлари бўлиб ўтган жангларда енгилади ва она қишлоғи – Бачқирга чекинади. Қизил аскарларнинг бу ерга

қилган ҳужуми пайтида у ҳалок бўлади [44; 21,85-86]. Шундан сўнг истиқлолчиларга раҳбарлик қилиш мақолада номи зикр этилган Катта Эргаш қўлига ўтади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “Улуғ Туркистон” 1919 йилнинг бошларига қадар нашр қилинган. Бироқ, биз унда истиқлолчилик ҳаракати мавзусига доир бошқа мақолани учратмадик. Вужудга келиши нуқтаи назаридан миллий, лекин кейинчалик совет ҳукумати тасаруфига олинган “Турк сўзи” газетаси, “Юрт”, “Чаён”, “Чўл чаёни”, “Ишчилар дунёси” каби журналлар [6,55-60; 51,18-19] ҳамда “Меҳнаткашлар ўқи”, “Меҳнаткашлар товуши” сингари маҳаллий большевиклар нашр этган газеталарда туркистонликларнинг совет ҳокимиятига бўйсунмаслик, миллий мустақил давлат қуриш учун курашига оид материаллар чиқиб турди. Лекин, мазкур газета ва журналлар ҳукумат томонидан тез орада ёпилди. Бунга сабаб – ушбу газета ва журналлар сахифаларида совет ҳокимиятига қарши материалларнинг чоп этилиши бўлди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, юқорида зикр этилган газета ва журналларнинг аксарият сонлари ҳозиргача сақланиб қолмаган. Мавжуд сонларида ҳам Мухториятнинг тугатилиши ёки совет ҳокимиятига қарши қуролли курашнинг бошланишига оид маълумотлар кўп эмас. Шунга қарамай, оз миқдорда сақланиб қолган матбуот материалларида истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиш нуқтасига доир эътиборга лойик маълумотлар жой олган.

## Адабиётлар:

1. Абулҳайр Охундов. Ҳўқанд қурбонлари // Улуғ Туркистон. 1918. 14 март.
2. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000.
3. Давлат ва мухторият ташкилоти // Ҳуррият. 1917. 13 июнь.
4. В защиту Учредительного Собрания // Свободный Туркестан. 1918. 15 (2) февраля.
5. Дориомедов В. Кокандская события // Щит народа. 1918. 2 марта.
6. Зиё Сайд. Ўзбек вақтли матбуотига материаллар. – Т., 1927.
7. К автономии Туркестана // Свободный Туркестан. 1918. 24 января.
8. Кузьмин А. Автономия и “автономия Туркестана” // Свободный Туркестан. 1918. 27 января.
9. Кокандская события // Щит народа. 1918. 1 марта.
10. Кокандская события // Щит народа. 1918. 7 марта.
11. Махмудхўжа Бехбудий. Ҳақ олинур, берилмас // Ҳуррият. 1917 йил 22 декабрь.
12. Мингнаров А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши. – Т., 2013.
13. Мусульмани и Учредительное собрание // Знамя свободы. 1917. 18 ноября.
14. Мухторият // Ҳуррият. 1917. 5 декабрь; 8 декабрь; 11 декабрь; 14 декабрь.
15. Мухтор Бакр. Туркистон Мухторияти // Меҳнаткашлар ўқи. 1918. 11 июль.
16. Мухториятили Туркистоннинг Муваққат ҳукуматиндан 29 ноябрь 1917 йилда чиқарилғон қарорлар // Эл байроби. 1917. 9 декабрь.

17. Мухторият ҳукуматининг вазифаси // Улуғ Туркистон. 1917. 10 декабрь.
18. Мухториятга Туркистон мусулмонларининг шодлиқ намойишлари // Эл байроби. 1917. 9 декабрь.
19. Мухториятли Туркистоннинг Муваққат халқ совети // Эл байроби. 1917. 22 декабрь.
20. Постанавление Временного Правительства // Знамя свободы. 1917. 12 августа.
21. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқполчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари. – Т., 2015.
22. Сайдхонов А. Фарғонада Эргаш ҳукумати // Улуғ Туркистон. 1918. 16 июль.
23. Сиёсий ахвол // Улуғ Туркистон. 1918. 28 январь.
24. Скобелевда Фарғона мусулмонларининг VII съезди // Эл байроби. 1917. 8 ноябрь.
25. Среди мусульман // Знамя свободы. 1917. 18 ноября.
26. Тошкентда учинчи Туркистон мусулмонларининг қурултойи тарафидан 9 сентябрда Петроградга юборилган тилигром // Кенгаш. 1917. 13 сентябрь.
27. Туркистон Мухторияти // Ҳуррият. 1917. 1 декабрь.
28. Туркистон Мухторияти // Улуғ Туркистон. 1917. 8 декабрь.
29. Туркистон Мухториятининг муваққат ҳукумати таркиби // Улуғ Туркистон. 1917. 8 декабрь.
30. Туркистон автономияси ҳаққинда рус матбуоти; Туркистон Мухториятининг тилғиromи // Улуғ Туркистон. 1917. 14 декабрь.
31. Туркистон Мухториятининг ишлари // Улуғ Туркистон. 1918. 7 январь.
32. Туркистон Учредителний Собранияси // Улуғ Туркистон. 1918. 14 январь.
33. Туркистон Мажлиси Муассисони // Улуғ Туркистон. 1918. 19 февраль.
34. Тешабой. Мухторият эълон қилинди // Эл байроби. 1918. 26 январь.
35. Туркестанская автономия и юго-восточный союз // Свободный Туркестан. 1918. 30 января.
36. Туркистон Мухторияти // Меҳнаткашлар товуши. 1918. 16 июль.
37. Улуғ Туркистон. 1918. 28 март.
38. Улуғ Туркистон. 1918. 3 май.
39. Уч муҳим масала // Улуғ Туркистон. 1917. 15 декабрь.
40. Умумий Туркистон мусулмонларининг 2 қурултойи // Кенгаш. 1917. 12 сентябрь.
41. Учредительный Собранияга сайлов хусусинда Туркистонга оид Низомномалар // Кенгаш. 1917. 2 август.
42. Учредительному Собранию // Знамя свободы. 1917. 20 октября; 25 октября;
43. Шумский С. Самоопределение Туркестана // Свободный Туркестан. 1918. 16 января
44. Ўзбекистон МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 227, 227-варақлар.
45. Ҳўқанд фожеалари // Улуғ Туркистон. 1918. 28 февраль.
46. Ҳўқанд фожеаси // Ҳуррият. 1918. 8 март.
47. Ҳўқанд фожеалари // Улуғ Туркистон. 1918. 9 март.
48. Ҳўқанд фожеалари // Улуғ Туркистон. 1918. 12 март.
49. Ҳўқанд фожеалари // Улуғ Туркистон. 1918. 14 март.
50. Ҳўқанд фожеалари // Улуғ Туркистон. 1918. 19 март.
51. Yaş Türkistan. 1-cilt (1-13 sayları) 1929-1930. İstanbul, 1997.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).

ТАРИХ

УДК: 297

**XIX ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЊНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ**

**ИСТОРИКОВЕДЕНИЕ И ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ МЕСТА И РОЛИ ИСЛАМСКОЙ РЕЛИГИИ В ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ И ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ ТУРКЕСТАНА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВВ.**

**HISTORIOGRAPHY AND SOURCE STUDIES OF ISLAM'S ROLE IN THE SOCIO-POLITICAL AND SPIRITUAL LIFE OF TURKESTAN IN THE LATE 19<sup>TH</sup> AND EARLY 20<sup>TH</sup> CENTURES.**

**D.Ismoilova<sup>1</sup>, M.Khaitova<sup>2</sup>**

**<sup>1</sup>D.Ismoilova**

*Navoi State Mining Institute, Ph.D., associate professor.*

**<sup>2</sup>M.Khaitova**

*senior teacher.*

**Аннотация**

Мақолада XIX аср охри - XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва мањнавий ҳаётида исломнинг ўрни ва роли тарихи ҳамда манбашунослик масалалари ёритилган. Унда рус муаллифларининг Туркистондаги ислом динини ўрганиш бўйича асарлари батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фондларида сақланадиган архив хужжатлари ва XIX аср охри - XX аср бошларида маҳаллий зиёлilar ва диншунос олимларнинг маҳаллий газета ва журналларда чоп этилган мақолалари ўрганилди.

**Annotation**

В статье освещаются вопросы истории и источниковедения места и роли ислама в общественно-политической и духовной жизни Туркестана в конце XIX - начале XX веков. В ней подробно анализируются работы русских авторов по изучению состояния ислама в Туркестане. Кроме того, изучены архивные документы, хранящиеся в фондах Академии наук Республики Узбекистан и статьи, опубликованные представителями местной интеллигенции и учеными-теологами в местных газетах и журналах в конце XIX и начале XX веков.

**Annotation**

*The article describes the history and source studies of the role and significance of Islam in the socio-political and spiritual life of Turkestan in the late 19th and early 20th centuries. The works of Russian authors on the study of the state of Islam in Turkestan are analyzed in detail. Furthermore, the archival documents kept in the funds of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and articles published by national intellectuals and scholars-theologists in local newspapers and magazines in the late 19th and early 20th centuries were studied.*

**Таянч сўз ва иборалар:** тарихшунослик, манбашунослик, миссионерлик, мустамлакачилик, мадраса, имом, диншунослар, диний сиёсат, вакфлар, диний ташкилотлар.

**Ключевые слова и выражения:** историография, источниковедение, миссионерство, колониализм, медресе, имам, религиоведы, религиозная политика, вакуфы, религиозные организации.

**Keywords and expressions:** historiography, source studies, missionary, colonialism, madrassa, imam, scholars of religion, religious policy, vakufs, religious organizations.

There was no doubt that the colonial regime established by the Russian Empire in the second half of the 19th century in Central Asia had a negative impact on the spiritual life and religious beliefs prevailing here. This is explained by colonial politics, on the one hand, and by the domination of Islam, not by the invaders' religion. The other thing is that the colonial authorities believed that the conquest of Turkestan for many years was not sufficient just to occupy the country, to maintain a large

army of thousands, and to create a totalitarian system based on the ideals of the great state.[1] That is why the government of the Russian Empire considered it necessary to undermine the role and influence of the Islamic religion, which has been deeply absorbed in the minds, thinking and way of life of the Muslim nations for centuries.

Historical documents indicate that during the early occupation of Turkestan by the Russian Empire, the colonialists were not fully aware of